



# Парламент ҳаёти

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сената аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқова қўмита фаолияти ҳақида гапириб, қўйидагиларни алоҳида таъкидлади: Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёни билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ҳам Сенатнинг яна мажлисларида ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш ва демократлаштиришда, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши керак бўлган қўнунлар, масалалар атрофлича муҳофизат этиб борилди ва қабул қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимига доир ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг қўлини, ҳуқуқий давлатнинг ривожланиши ҳамда юксак маданият ва маънавиятга асосланган эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасидаги ҳаракатлар биздан ана шу жараёни амалга оширишда доимо фаол бўлишни талоб қилади.

Анжуман сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Фуркат ХОЛИҚУЛОВ,**  
«Постда» муҳбири.

# Тадбир

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Валижон Тошматов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилати Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бинобарин, мамлакатимиз раҳбарининг нуфузли ташкилот минбаридан туриб Марказий Осиёда юзага келган хавфсизлик масалаларини оқилона ва одилона ечиш борасидаги мулоҳазалари, минтақа экологиясини муҳофизат қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасидаги қатъий нуктаи-назари бугунги кунда хорижлик экспертларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Президентимиз яна бир бор дунё ҳамжамияти эътиборини 30 йилдан буён давом эттиб келаятган Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар ва уларни тинч йўл билан ҳал этишга, жорий йилнинг июнида қўшни Қирғизистон жанубида рўй берган миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеаларга, шунингдек, Орол фожiasi ва унинг оғир оқибатларига қаратди. Марказий Осиё минтақасида яшайётган миллионлаб одам-

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ҚАДРИ

ларнинг тақдирига дахлдор бўлган муаммоларни мавжуд вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда оқилона ечиш борасидаги аниқ, ҳаётий таклиф ва тавсияларни баён этди. Булардан ташқари, Юртбошимизнинг дунёнинг нуфузли ташкилати минбаридан мустақиллик йилларида мамлакатимиз қўлга киритган улкан ютуқлар, халқимизнинг ривожланиш ва тараққиёт сари ташлаган залворли қадамлари хусусидаги ҳақли эътирофи бугун миллионлаб ватандошларимиз қалбини фахру ифтихорга тўлдирмоқда. Бош бошқарма ходимлари Президентимиз нутқида ўз аксини топган масалаларни қўллаб-қувватлаб, ўз муносибатларини билдирдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари шахсий таркибида ўртакда хизмат интизоми ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш, ходимларнинг би-

йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгар-

тиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»-ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»-ги ва бошқа қонунлари бош бошқарма шахсий таркибига етказилди.

Ички ишлар вазирлиги ЖК ва ТҚКББ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Валижон Тошматов бош бошқарманинг тўққиз ойлик фаолияти яқунларига бағишлаб маъруза қилди. Таъкидлаш жоизки, бош бошқарма ва унинг қўйи тизимларида хизмат олиб бораётган ходимлар ўзларига ишониб топширилган вазифаларни виждонан бажараётганликлари тўғрисида республикамизда содир этилаётган жиноятларни фош этиш борасида бир қатор ютуқлар қўлга

кирилмоқда. Узоққа бормаёлик, республикамиз ҳудудида май – сентябрь ойлари давомида ўтказилган «Қорадори – 2010» тадбирида бош бошқарма ходимлари бошқа соҳавий хизматлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда гивҳандлик моддаларининг қонуний айланиши ва этиштирилиши билан боғлиқ юзлаб жиноятларни фош этишди.

Йиғилишда Ички ишлар вазирининг мазкур тадбирда фаол иштирок этган ходимларни муқофотлаш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Эришилган ютуқларга қарамай, камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани бош бошқарма фаолиятини янада жонлантириш зарурлигиндан далолат бераётгани йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда бош бошқарма ва унинг қўйи тизимларидаги ходимлар ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомига қатъий риоя этиш масаласи ҳам муҳофизат қилинди. Ходимларнинг хизмат интизомини яхшилаш, уларнинг касб маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, бўш лавозимларни таърибли ҳамда малакали ходимлар билан жамлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтилди. Йиғилишда ИИБ ШТБХХ бошлигининг ўринбосари, генерал-майор М. Бабаниязов иштирок этди.

**Норали ОЧИЛОВ.**

# Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги мухтор вакили Пьер Морелнинг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчилари Йозеф Бузалка ва Каспер Ручински таширф буюрди. Мехмонларни вазирилик Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиги, подполковник Илхом Турғунов қабул қилди.

Подполковник И. Турғунов бошқарманинг асосий вазифалари ва бугунги кунда ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди. Чунинчи, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялашга доир чора-тадбирлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида ички ишлар идоралари ходимлари ва аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида бошқарма томонидан



# ФИКР АЛМАШИЛДИ

конференциялар, семинар-кенгашлар ҳамда бошқа анжуманлар ўтказилаётганини айтиб ўтди.

ИИВнинг инсон ҳуқуқлари масалаларидаги халқаро ҳамкорлик ҳақида тўхталар экан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилати, Халқаро Қизил Хон жамияти ўртасида урнатилган алоқалар доирасида инсон

ҳуқуқларига оид қўллаб-қувватлаш лойиҳаларида иштирокини, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътиборга эътабтганини таъкидлади.

Шунингдек, мехмонларга вазирилик тизимида ҳуқуқ-тартибот соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўзлаб берилди. Айниқ-

са, қонунчилик ва қонун устуворлиги йўналишидаги ишларга тўхталаркан, вазирилик соҳавий хизматлари ва жойлардаги барча ички ишлар идораларида ўрнатилган «Ишонч телефонлари» муҳим аҳамият касб этаётганга эътибор қаратди. Мехмонлар ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларнинг жадал бо-

риши, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд-ҳуқуқ тизимида эришилаётган ютуқларни алоҳида эътиборга эътибор қаратди. Бир қатор фарб давлатлари, хусусан, Италия, Германия ва Буюк Британиянинг юртимизда келаятган ислохотлар, демократик янгиланишлар, айниқса, ИИВда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасидаги ишларга юксак баҳо беришганини гапирди.

Ўз навбатида, жаноб Йозеф Бузалка ва Каспер Ручински самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, келгусида Европа Иттифоқи Ўзбекистон, шу жумладан, республика ИИВ билан истиқболли алоқаларни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик қилишга умид билдирилиши айтиб ўтишди.

Учрашувда ҳамкорликни янада жонлантириш ҳақидаги таклифлар билдирилди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**  
Суратларда: учрашув пайти.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

# Тилга эътибор – элга эътибор

## МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БАЙРОҚ

Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг муқаддас она тилимиз ҳақидаги шеъри ҳар йили анъанавий равишда нишонланадиган Она тили байрамининг мадҳиясига айланиб кетган.

**Минг йилларим, булбул каломин**  
**Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.**  
**Аммо шўрлик тўтининг ҳоли**  
**Ўзгаларга тақлид ҳамиша.**

**Она тилим, сен борсан, шақис**  
**Булбул қўйин шеърга соламан.**  
**Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,**  
**Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

Ушбу шеъринг мазмун-моҳияти яна бир мутафаккир шоир Абдулла Авлонийнинг: «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаини ҳаётини тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур», деган сўзлари билан уйғун ва ҳамохангдир.

Президентимиз «Юксак маънавият – энгилмас куч» номли китобларида лутф қилганларидек: «Маълумки, ўзликини англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир».

Элимизнинг сеvimли шоири Э. Воҳидов таъбири билан айтилган «минг асрлар ичра пинҳон» тарихини варақлар эканмиз, халқимизнинг руҳини сўндириш, иродасини сндириш учун, аввало, унинг она тилини йўқотишга қўллаб-қувватлаш бўлганини кузатиш мумкин. Ана шу олис тарихий жараёнларнинг самараси ўлароқ, ҳозирги замон она тилимиз бағрига мўғул, форс, араб, рус тилларининг катта маънавий бойлиги ўзлашиб, сингиб кетган. Бу – жуда қизик ва қонуний жараён. Босқинчилар келганлар, кетганлар, лекин миллий тилимиз ўзлигини сақлаган. Она тилимиз тимсолида миллат ва халқ, адабиёт, тарих, илм-фанимиз ўзлигини сақлаб, ривожланиб келди. Қардош туркман шоири Махтумқўлининг «Махтумқўли сўзлар тили туркманнинг» деган мисрасида ҳам ажойиб ҳикмат бор. Халқнинг адабиёти, тарихи, илм-фани – жамики маданий бойлиқисоти унинг тили бўлиб сўйлаб, миллат ва халқнинг ўзлигини яққол намойиш этиб туради. Чунки улардаги мазмун-моҳият, фикр, ғоя, образ, тасвир, ифода миллий тил либосида адо этилади.

Буюк мутафаккиримиз, туркий тилимиз асосчиси Алишер Навоий: «Шам равшанроқ ёнур торин паришон айлағач» деганидек, мустабидлар она тилимиз шамини паришон айлаганлари сари, у сўниш ўрнига тобора шуълавор ёлқинлини ёнаверган. Она тили ана шундай ўчмас ва ўлмас бир тирик мавжудотдир.

Тарихнинг бурилиш нукталарида халқ қаҳрамонлари она тилимизга, у орқали эса миллатнинг руҳига ҳаёт бағишлаганлар. Ана шундай қаҳрамонларимиздан бири ҳақида улғу темирйўзда Ҳусайн Бойқор ўзининг «Рисола-сида: «Алишер Навоий туркий тилнинг ўлган жасадида жон кюрди» дея баҳо берган эди. Навоий она тилимизнинг бекиёс ифода имкониятларини лирик шеърлари, достонлари, илмий, насрий асарлари орқали намойиш этиб, «манзури шаҳаншоҳи Хуросон»-гина бўлиб қолмади.

Дарвоқе, буюк мутафаккир она тилимиз ва халқимиз олдида бажарган тарихий миссиясини эўр ифтихор билан таъкидлаб кетган эди:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,**  
**Айладим ул мамлакатни яққалам.**

Навоий бу қўп маъноли байтида икки теран мазмунли мужассам этган. «Алам» ва «яққалам» қўп маъноли сўзларининг биринчи маъноларидан келиб чиқсақ, Навоий туркий шеърятда алам, яъни риёзат, изтироб, машаққат тортиб, бу мамлакат халқини яққалам, яъни ягона адабий тилга эга қилдим демоқда. Энди «алам» сўзининг «байроқ», «яққалам» сўзининг «яхлитлик», «бутунлик» маъноларидан келиб чиқсақ, Навоий мен туркий адабиётда байроқдорлик қилиб, мамлакат ва унинг халқини ягона адабий тил тимсолида яхлит ва бутун ҳолатга келтирдим, бирлаштирдим, демоқда. Чиндан ҳам, адабий тил миллат ва халқни бирлаштирувчи байроқдир. Давлат тили ҳам халқимизни Истиклолнинг толе тоғида бирлаштирган ана шундай байроқдир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**  
филология фанлари доктори,  
профессор.

# Тўйга тўёна билан

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Истиклол йилларида етук мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида ижобий натижалар қўлга киритилаётган, қўллаб-қувватлаш жорий этилаётган билим юртимизда тўйга тўёна билан деганларидек, байрамга муносиб тайёргарлик кўрилди. Белгиланган тадбирлар режасига кўра таълим муассасаси ҳудуди маънавий-маърифий, тарбиявий мазмундаги плакатлар, шiorлар ва бошқа кўргазмалар жиҳозлар билан безатилди. Билим юртимиз тарихи ва бугунги ҳаёти акс эттирилган альбом тайёрланди. Илмгоҳни турли йилларда тугатган, ҳозирда соҳавий хизматларда фаолият кўрсатаётган ва Давлат муқофотига сазовор бўлганлар ҳақида батафсил маълумот тўпланди. – дейди билим юрти бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Э. Сайдуллаев.

Қуни кеча эса билим даргоҳида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлислар залига муассасанинг қирқ нафардан ортиқ фахрийлари, профессор-ўқитувчилар, курсантлар ва тингловчилар таклиф этилди. Билим юрти бошлигининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ш. Мухаммадулов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, юртимизда келаятган ислохотлар тўғрисида ўтган давр ичида илмгоҳда амалга оширилган ишлар тўғрисида гапирди ҳамда республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлоубовнинг тантанамуносабати билан жамога

йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг, йиғилганлар Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти ҳақида тайёрланган ҳужжатли фильمنى томоша қилдилар.

Ўрни келганда шунини таъкидлаш жоизки, таълим муассасасида 16 та кафедра мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси замонавий компьютерлар, зарур техник воситалар билан жиҳозланган. 60 дан ортиқ махсус синфлар курсантлар хизматида. Хусусан, ҳарбий муҳандислик

дала-ўқув машғулоти янговар шароитларга яқинлаштирилган ҳолда ўтилмоқда. Электрон ўқитув воситалари ва мультимедиа лабораторияси базасида эса ўқув, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва бадий мазмундаги икки мингга яқин фильм жамғармаси (фильмотекаси) ташкил этилган.

Илм даргоҳи профессор-ўқитувчилари таркибининг аксарият қисмини қўп йиллик педагогик тажриба ва юқори малакага эга бўлган



# МАРА ПОСБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

тайёргарлиги, жазони ўташ режимини ташкил этиш синфлари ўқув жараёни самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ИХТисошлаганнинг моделлаштириш ва симуляция маркази, Панорамали компьютерлаштирилган ўқуш тренажери ўқув жараёнини амалиётга яқинлаштириш, курсантларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Белгиланган талаблар асосида жиҳозланган ҳарбий машқ

ходимлар ташкил этади. Жумладан, 12 нафар фан номзодидан 4 нафари докторлик иши устида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Педагоглардан яна 10 киши фан номзодлиги диссертациялари устида ишлаяпти. Шунингдек, ИИВ тизимида қўп йиллар хизмат қилиб, бой амалий тажриба тўплаган офицерлар ҳам курсантларга сабоқ беришмоқда. Ўқув жараёнида анъанавий дарс усуллари билан бир қаторда давра суҳбати, йўналиш вазиятлар, ўқув машқлари, гуруҳий машғулотлар, тренинглар каби таълимнинг интерфол усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда.

Билим юртида таълим жараёнини амалиёт эҳтиёжлардан келиб чиқиб ташкил этиш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу борада махсус қўшма дастур ҳам қабул қилинган. Ҳарбий стажировкалар ва ишлаб чиқариш амалиётлари чоғида курсантлар ўқув даргоҳида олган билимларини мустаҳкамламоқдалар, амалий кўникмалар орттирмоқдалар. Уларга раҳбар этиб тайинланган кафедра ўқитувчилари ва ўқув батальон офицерлари эса ички ишлар идораларида, жазони ижро этиш муассасаларида ва ҳарбий қисмларда ўтказилаётган ислохотларни, хизмат интизоминини мустаҳкамлаш, жанговар шайлиқни оширишнинг илғор, замонавий усулларини ўзлаштириб, ўқув-тарбия жараёнини тақомиллаштиришда қўлламоқдалар.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг вазирилик ва Қуролли Кучларнинг барча



**Саъдулла ШОДИЕВ.**

САҲИФАДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ИСЛОҲОТЛАР ХОДИМЛАР ИШЧАНЛИГИНИ ОШИРМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гапнинг рости, дастлаб бунинг самараси қандай натижа беришига ўнчалик аҳамият бермагандик. Вақт ҳакам экан. Мана, орадан икки йил ўтди. Бошлаган ишимизнинг самараси зое кетмаётганлиги хизматлар жараёнида юзга чиқаяпти. Ўнлаб ёш ходимларимиз хизматдошлари орасида одоби, ҳули ва фуқаролар билан ишлашда ўрнатилган кўрсаткич, устозлар, фахрийлардан ўрганган тажрибаларини бошқаларга ҳам ўргатишмоқда.

қаролар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни кенг шакллантириш, ёшлар билан ишлаш йўналишлари бўйича туман-шаҳар ИИБлари ҳамкорлигида ҳар ойда икки бор жойларга чиқиб тадбирлар ўтказиш аъёнага айланган.

ганлар ўртасида содир этилаётган кўнгилсизликлар 55 фоизга қисқарди. Натижалардан руҳланган барча соҳа ходимлари бу борадаги саъй-ҳаракатлари янада кучайтиришмоқда. Айниқса, бунда маҳаллалар, фуқаролар билан доимий равишда ҳамкорликни кенг шакллантириб келаётган профилактика хизмати инспекторлари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзоларининг қўшаётган ҳиссаси муносибдир.

миллийликка йўрилган мусобақалар, ёшлар, жамоат аҳлининг маънавиятини ошириш, азалий аъёналаримизни қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни муносиб ворислар этиб камолга етказиш билан бирга, жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар оқибати нима-ларга олиб келишини теран аналитикларимиз қўшаётган.

чеғара ҳудудларидаги фуқароларимиз бу масалаларда ҳамиша масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ҳушёрлик ва тежорликда ички ишлар ходимларидан қолишмай, ҳар қандай вазиятда жиноятларни очиб, олдини олишда яқиндан кўмаклашяпти. Ёшлар ва вояга етмаганларни жиноят оламига кириб қолишдан асраш ҳамда ўзаро жанжаллар туфайли ёш оилаларнинг пароканда бўлиб кетишига чек қўйишда ўзини ўзи бошқариш идоралари, профилактика инспекторлари ташаббусини қўлга олишган. Таҳлиллар бу соҳада аввалгиларга нисбатан 58

фоизга яхши томонга ўзгарганини кўрсатаётгани айниқса, қувонарлидир. Бироқ барча юмушлар рисоладагидек, деб бўлмайди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, нарқобизнесга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ва бошқа айрим соҳаларда фуқаролар маънавий маданиятини юксалтиришда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар бор талай. Шу боисдан барча соҳавий хизматлар ходимлари учун бу борада ҳудудий шароитлардан келиб чиқиб истиқболли режалар тайёрланган ҳамда ходимларнинг ана шулар бўйича жағоварлиги, ҳушёрлиги оширилмоқда.

Нодиржон ҚУРБОНОВ, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник.



2010 йил – Баркамол авлод йили ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Вилоят ИИБ ҚООБ томонидан шаҳар, туманларда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик келиб чиқмаслиги ҳамда улар қаровсизлигини ва назоратсиз қилиб кетишларига йўл қўймаслигини таъминлаш мақсадида бир қатор профилактик ишлар амалга оширилди.



Олтинсой тумани 173-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Х. Рустамов фуқаро билан суҳбатлашмоқда.

Жумладан, мавжуд умумий ўрта-маҳсус таълимдан бош тортиб юрган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ўқишга қайтариш чораларини кўриш мақсадида мунтазам равишда «Даволат» профилактик тадбири ташкиллаштирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилаёпти, бу ишда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда аниқ чора-тадбирлар асосида ҳаракатлар қилинаёпти.

шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида жорий йилдан эътиборан «Ушмир» маҳсус профилактик тадбирининг ноаъёнавий усулини ишлаб чиқиб, амалда таъбиқ этилаётган. Унинг самараси эса ҳозирча чакки эмас. Масалан, мазкур тадбирга кўра, шаҳар, туманларда фаолият кўрсатаётган ақсарият милиция таянч пункти атрофида спорт майдончаларига қўшимча равишда халқ таълими бўлими ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фан тўрақлари, кичик бизнес шохобчалари ташкил этилиб, кўпроқ ёшларни, айниқса, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар жалб қилиниб, жисмоний чинқитириш билан бирга қасб ва ҳунар сирлари ўргатилаётган. Бунда ИИБ ходимларига малакали мутахассислар ҳамкорлик асосида яқиндан кўмаклашяпти.

спорт мусобақаларида юқори натижаларни кўлга киритишди. Бундан ташқари, Термиз давлат университетини ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бирига ёшларни амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган, соғлом турмуш кечиришга ўндовчи ўрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, очик мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ҳам олиб борилаётгани мақсадга эришишда асосий ўрин тўлмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ижро этиш юзасидан жорий йилда вояга етмаганлар ўртасида содир қилинган жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар саксон фоизга қайтарди. Энг муҳими, олиб борилаётган тадбирлардан профилактик ҳисобда турувчи болаларнинг ота-оналари ҳам миннатдор бўлишиб, ақсарият ишларида ИИБ ходимлари билан ҳамкорлик қилишяпти.

Тўғри, ҳали бу соҳада олдимизда турган долзарб вазифалар, тадбирий саъй-ҳаракатлар жуда кўп. Уларнинг барчасига бирдай эришилмоқда, дейилса хато бўлади. Лекин бир нарса аён: олдимизга қўйилган мақсад соғлом авлодни қамол топтиришдан иборат. Бунинг эинда бундан бошқа ота-оналар ҳам тўғри равишда ишлар бўлимлири ходимлари билан мунтазам ҳамкорлик шакллантирилгани режаларимизни бекам муқост урдалашга имкон бермоқда.

Гийҳвандлик ва бошқа турдаги жиноятларга қарши кураш мақсадида айниқса, «Ёшлар орасида нарқобизнеснинг тарқалишига қарши кураш» тадбирининг самараси қўтилган натижалар бер-

А. ХУЖАМКУЛОВ, вилоят ИИБ ҚООБ бошлиғи ўринбосари, майор.

Соҳавий хизматлар орасида Ёнгин хавфсизлиги хизматининг айниқса масъулияти катта. Гапнинг рости, бу соҳа мавсум нима эканлигини, кундуз ва кечани билмайди. Чунки ҳар дақиқада эътиборсизлик туфайли ёнгин келиб чиқиши мумкин.

Яқинда бир воқеа бўлиб ўтди. Ярим тунда Термиз шаҳар кўчаларидан бирдаги хонадонда ёнгин содир бўлгани ҳақида хабар беришди. Тежор навбатчи гуруҳ этиб борганида икки хонали уйдаги деярли барча нарсалар ёниб, олов кўшни хонадонларга ҳам эйён етказётганди: у баргараф қилинди, бироқ хонадон эгаси бошқа жойда яшаётганлиги учун ўчи топиш осон бўлмади. Бу ҳақда у фақат эрталаб хабар топди. Бундай эътиборсизлик кўплаб ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Шу боисдан инсонлар ҳаётини ёнгинлардан ҳимоя этиш, кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали доимий эшиттиришлар ташкил этилди, мақолалар чоп қилинди. Шундан сўнг текширувлар ўтказилиб, натижалари бўйича ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузган ёки назорат хизматининг ёзма кўрсатмаларини бажармаган раҳбар, жавабгар шахс ва фуқароларга нисбатан тегишли чора кўрилиб, улар 48 млн. сўм миқдорига маъмурий жавобгарликка тортилди. Зудлик билан баргараф этилмас, ёнгин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 9,5 миңдан ортиқ электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди. Мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига тақдимномалар киритилди.

Олов – тилсиз ёв ТАҲЛИЛЛАР ЯХШИ-Ю, БИРОҚ...

Шулар қаторида фуқаролар ва ёшларга уй-жой ҳамда жамоатчиликнинг мол-мулкнинг асраш учун ёнгин хавфсизлиги қондалари талабларини пухта билишлари, саводхонлигини ошириш мақсадида корхоналарда, маҳаллалар, мактаблар, болалар боччалари, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида кўплаб ўрашувлар, фав-

қулда ҳолатларда кўрилиши зарур бўлган чоралар юзасидан машқлар ўтказилиши кенг йўлга қўйилди.

Сурхондарё вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ҳамда тегишли соҳавий хизматлар би-

ри томонидан халқ ҳўжалиги тармоқлари ҳамда аҳоли турар жойларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган профилактик ишларга қарамасдан жорий йилнинг ўтган ойларида ёнгинлар сони 231 тани ташкил этиб, 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоизга қайтарди. Инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари эса 14,3 фоизга қисқарган. Ёнгинларда инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари ўтган йилдагидан 50 фоизга қайтарди.

Бир қарашда кўрсаткичлар қаймаган бўлса-да, бироқ айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги натижада кўнгилсиз ҳолатлар бўлиб тургани нафақат таажубланилари, балки энг аввало, уларнинг ўзлари моддий-маънавий зарар кўраётгани ачинарлидир. Ориф МИРЗАЕВ, вилоят ИИБ ҚООБ бошлиғи, подполковник.



Тармоқ транспорт ИИБларда

Термиз темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Транспорт ИИБнинг қўрсатма ва фармойишларига асосан темир йўл, ҳаво транспорти иншоотларида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши кураш, жамоат тартибининг сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқий муҳофиза қилиш идоралари билан бирга муайян ишларни бажармоқда.

Тармоқ ИИБ хизмат кўрсатиш ҳудудларидаги барча темир йўл бекатлари, жумладан, янги қуриб битказилган «Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган» темир йўл бекатларида ҳамда шу йўл орқали ташилаётган юкларнинг белгиланган манзилга бетафот этиб бориши ва бошқа ҳаётий зарур иншоотларнинг ишончли, мустаҳкам қўриқилиши учун бўлим ходимлари томонидан зарур чоралар кўрилиб, хавфсизликлар таъминланаёпти. «Антиррор – Тозалаш», «Арсенал», «Қидирув» ва бошқа тезкор-профилактик тадбирлари тузилган режалар асосида турти ташкиллаштирилган боис келиб чиқиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинаяпти ва йўриқномаларда аниқ иш қўлами белгиланган туфайли ходимлар сергақлиги янада ошмоқда. Бўлим ходимлари хизмат кўрсатиш ҳудудлари билан chegarados бўлган Туркменистон ва Тожикистон Республикалари орқали мамлакатимизга кириб чиқувчи йўловчи поездлар билан диний-экстремистик, террорчи гуруҳларни кириб келишининг олдини олиш ҳамда уларни аниқлаш мақсадида назорат-тектирув ишларига жид-



ТЕМИР ЙЎЛНИНГ ҲУШЁР ПОСБОНЛАРИ

дий эътибор қаратишган. Экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича қидирувда бўлган фуқароларнинг суратлари ва белгилари олиниб, шахсий тарқибга ўз вақтида етказилаёпти. Бундан ташқари, Термиз халқаро аэропорти, темир йўл ташкилотлари ва корхоналарда, ён-атрофдаги маҳаллалар, жамоатчилик орасида террорчи ташиқлотларнинг гараз мақсадларини аналтувчи видеороликлар, кинолаваҳ ва фотосуратлар ходимлар томонидан намойиш қилиб, бу жирқанч жиноятларнинг оқибатлари хусусида профилактик-оғоҳлантирув тадбирлари, тарғибот ишлари ўтказилиши доимий аъёнага айланган.

Шунингдек, ҳудудда темир йўл ва ҳаво транспорти иншоотлари орқали гайриқонуний равишда гийҳванд моддаларни олиб келиш, нарқотик, психотроп воситаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, истеъмол қилиш ва ўтказишга мойил фуқароларга нисбатан мунтазам равишда тезкор чора-тадбирлар қўрилиб, ёшларни оғу балосидан сақлаш ҳамда уларнинг баркамол ўсишлари учун ходимлардан иборат алоҳида тарғибот гуруҳи тузилган. Улар жойларга чиқишиб, ўрашувлар ўтказишяпти. Шунга қарамай, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур ҳолатлар билан боғлиқ 36

та жиноят содир этилгани аниқлангани айниқса ачинарлидир. Кўнгилсиз воқеаларга барҳам бериб, фуқароларни ёмон иллатлардан ҳимоялаш ва тарғибот ишларини янада жонлантиришда подполковник Мусахон Аманкулов, подполковник Шавкат Мирзаев, капитан Хўсанжон Арабов каби фидойи ходимларнинг хизматлари тахсинга лойиқ. Бу фидойи инсонлар саъй-ҳаракати туфайли жорий йилнинг ўзида бир неча миллион сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинди ва нопок кимсаларнинг жиноятлари «иссиқ изида» очилди.

Р. ИСМАТОВ, подполковник.

ҚОП ОРҚАЛАГАН ШАХС узоққа боролмади

Элу юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаб, жиноятларини «иссиқ изида» фаш этишда вилоят ЖК ва ТҚБ ходимларининг таҳрираси кўпларга намуна бўлаётти. Уларнинг соҳани пухта ўзлаштиригани боис ҳар қандай дилхиралликлар назардан четда қолмапти ва юртимиз иқтисодийётига, фуқароларининг ҳаётига хавф солувчи омилларнинг пайи қирқилмоқда. Уша кунни ҳам «Антиррор – Тозалаш» тадбири юзасидан бир гуруҳ ходимлар Сарисоё туманида зарур чораларни кўришаётганди. Қўлиста кишлоғи яқинидаги адирликдан кечаси қимдир қоп орқалаб ўтганлиги ҳақида чўпонлардан бири хабар бериб қолди. Ҳўш, номаълум шахс ким, қопдаги нарса нима ва у қаерга кетди экан?

Ана шу жўмбоқ ЖК ва ТҚБ ходимларини ҳушёр тортириб «иссиқ из» сари етказди. Бироқ бу изни қаердан топиш керак? Номаълум шахс шохида юрса, изқуварлар баргида юришини афсуски, билмаганди. Олиб борилган тезкор тадбир туфайли чегарадош ҳудудда жойлашган юқори қўлчанлиши электр симёғочи остига қўлиб қўйилган салкам 33 килограмм оғир гийҳвандлик моддаси сақлаб қолинди. Заҳри қотилини юртимизга тарқатмоқчи бўлган И. Малла эса гараз ниятига эришолмай, амалдаги қонун доирасида жавабгарликка тортилди.

Мазкур соҳада хизмат қилаётган ходимлар фаолиятининг бирига тўхталдик, ҳолос. Аслида уларнинг саъй-ҳаракати натижасида бу каби гайриқонуний хатти-ҳаракатлар қисқа вақтларда фаш этилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида одам савдоси, қотилиш ва нарқобизнес ҳамда бошқа бир қанча жиноятларнинг олди олинди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, кенг жамоатчилик, коллеж ва мактабларда, ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилаётган давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар туфайли одамлар, айниқса, ёшлар барча қонуний фаолиятлар оила, маҳалла, рўзғор ҳамда юртимиз учун қандай эйён-заҳмат келтиришини тушуниб етаяпти. Шу боисдан улар барча тадбирларда фаол иштирок этишиб, шубҳали вазиятларда «Ишонч» телефонлари орқали яқиндан кўмаклашяпти.

Натижада жиноятлар сони қайта каторида, содир этилганларга барҳам бериш ҳам осон кечаяпти. 50 дан ортиқ жиноятга дахлдор аломатлар фуқароларнинг фаолиги туфайли ўз ўрнида барҳам топди. Айни пайтда ана шундай ҳамкорликни кенг шакллантириш борасида истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Насиб этса, бунга кўпроқ таянсақ, қонунбузарликлар қамаяди, фуқароларимизнинг, осойишта турмуш тарзи таъминланаверилади.

Абдужаббор АВЛИЁКУЛОВ, подполковник.

ЗАРРАБИН ОСТИДА

Республика ички ишлар идораларида олиб борилаётган ислохотлар жойларда қўтилган натижаларни бермоқда. Сурхондарё вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими ҳам мазкур янгилаш жараёнида ўзини тўлиқ қайта шакллантириб олган хизматлар сирасидан. Жумладан, дактилоскопия, баллистика, трассология, хатшўнослик, ҳўжжатларнинг техник ҳамда кимёвий моддаларнинг экспертизаси каби муҳим ишларда ходимлар масъулияти оширилган, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли барча жараёнлар мундатда урдаланмоқда.

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

Мисол учун йилнинг ўтган даврида жиноят содир қилинган 932 та жойда ходимлар иштироки таъминлашиб, 563 та криминалистик экспертиза бекаму қўст бажарилди. Натижада жиноятларнинг очилиши ўтган йил билан таққосланганда 19 тага, яъни 32 тадан 51 тага ошди.

Вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Акрам Мелибоевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда республика ИИБ раҳбариятининг қўлаб-қувватлаши ва бевосита кўмағида соҳа тўлиқ янги технология билан таъминланди. «АДИС-СОНДА», «АСИЛ» каби дастурлар, Хитой давлатидан олиб келинган «Шмадде» газ хромотография сингари жиҳозлар айниқса, муҳим юмушларни урдалашда қўл келаяпти. Ҳозирги вақтда ушбу дастурлар ҳамда воситалар унумли қўлланилаётгани боис, содир этилган жиноятлар оқимасдан қолмаяпти. Ваҳоланки, илгарилари оддий ҳолатларни очишда ҳам анчагина изланишлар қилиш ва қўп вақт сарфлашга тўғри келарди.

Мазкур дастурларнинг афзаллигини мана бу мисолда ҳам кўриш мумкин. Яқинда Жарқўрган тумани ҳудудидан бир шахснинг жасади тан жароҳатисиз топилди. Шахси номаълум мурданнинг қўл бармоқ излари туширилган дактографиси «АДИС-СОНДА» дастурида текшириб қўриш орқали Бойсун туманида яшовчи қотиликда гумонланган кимса ҳеч бир муаммосиз қўлга олинди ҳамда айби исботланди. Демократизми, янги технологияларнинг соҳага кириб келаяптани нафақат муаммоларга барҳам бераёпти, балки эксперт-криминалистлар ишини енгиллатмоқда.

Айни пайтда етук мутахассис-ходимларни тайёрлашга ҳам эътибор қучайтирилган. Ёшларга соҳанинг сир-синоатлари мукамал ўргатиб борилаёпти. Улар шу ўринда кўникмалар шаклланиши учун етарли даражада шароитлар яратилган.

Фарҳоджон ТШБОВЕВ, катта сержант.

Истеъфодаги генерал-майор  
ТИЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ АБДУЛЛАЕВ



Ўзбекистон Республикаси республика ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев 88 ёшида вафот этди.

Тилла Абдуллаев 1922 йил 20 октябрда Фарғона вилоятида туғилган. Урта мактабни тамомлаб Душанба педагогика институтига ўқишга кирди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши сабабли институти тугатмай, фронтга чакририлди. Иккинчи жаҳон урушининг охири кунигача фронтда бўлиб, Европанинг бир қатор шаҳарларини боқинчилардан озод этишда иштирок этди.

Тилла Абдуллаевнинг урушдан кейинги фаолияти ички ишлар хизмати билан боғлиқ бўлди. 1948 йилда Фарғона тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, кейинчалик Фарғона шаҳар ИИБ бўлим бошлиғи ва шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилди.

У 1954 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, орадан кўп ўтмай бошлиқ этиб тайинланди. Республикамининг жанубий сарҳадларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда зўр қўлғайрат билан хизмат қилди. 1964 йилда эса у Самарқанд вилояти ИИБга бошлиқ этиб тайинланди. Бу вилоятда ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жайига қўйиш, ходимларнинг иш шариотини яхшилаш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

Жонқуяр, эл ташвиши билан яшаган Тилла Абдуллаев республика ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида кўп йиллар ёш ходимларни касбга сadoқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этди. Тилла Абдуллаевнинг кўп йиллар давомида қилган хизматлари ҳуқуқтаъминимиз, ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Кадрли устозимиз, азиз ҳамкасбимиз истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариغا чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Юксак мукофот соҳиблари

ЮРТДА ҚАДРЛАНАР ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

ИИВ Коровул қўшинлари шахсий таркиби сафларида ҳар томонлама етуқ, профессионал ҳарбийларимиз кўпчиликини ташкил этади. Ана шундайлардан бири ҳарбий қисм батальон командири, подполковник Мухаммат Аҳмедовдир. У Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофоти — II даражали «ШОН — ШАРАФ» ордени билан мукофотланди.



Ҳозирда подполковник Мухаммат Аҳмедов батальон командири лавозимида хизмат вазибаларини баҳарлаш билан бир қаторда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келмоқда. Шахсий таркиб ўртасида жанговар ва тарбиявий хизматни юқори савияда ташкиллаштирилганлиги боис у сардорлик қилаётган батальон жамоаси ҳамisha юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Аини вақтда батальонда аскарлар ва сержантлар ётоқхонаси қайта таъмирдан чиқарилди. Ҳарбий қисмда аскарларни жисмонан соғлом, маънан етуқ ва

баркамол қилиб тарбиялашда, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш мақсадида компьютер синфлари, спорт тренажёрлари мунтазам ишлаб турибди.

— Шахсий таркибнинг бир тан-бир жон бўлиб, ҳар бир ишга режа асосида аниқ амалга оширилганлиги сабабли жамоамиз ўз олдига қўйган мақсадга мунтазам эришиб келмоқда, — дейди, — у.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ, катта сержант.

Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам борлиги қувонарлиқдир. Тошкент шаҳар Ички ишлар бoш бошқармаси алоҳида вазибаларини баҳарлаш сафарбар отряди катта мутахассиси, катта сержант Ҳабибулла Ирдановнинг ҳам осойишта ҳаётини таъминлаш борасидаги хизматлари инобатга олиниб, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

ИЗЛАНГАН МУРОДИГА ЕТАДИ

Ёшлигидан миллий ва маданий қадрлар ўчоғида, зиёли инсонлар орасида таълим-тарбия топган Ҳабибуллада миллат гуруҳини, юрт шаънини ҳимоя қилиш каби хислатлар шакллана борди. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент шаҳар ИИББда тезкор вакил сифатида фаолият бошлади. Мана, бир неча йилдирки, у юрт осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолияти билан касбдошлари орасида ҳурмат қозониб келмоқда. Ҳабибулла ота-онасининг меҳрини қозониш баробарида ўз оиласида меҳрибон ота ҳамдир. Турмуш ўртоғи Нодирaxon билан у фарзанднинг тарбиясига ҳам алоҳида вақт ажратди.

Устозларидан ўрганиб келаётган тажрибалари ва ўзидаги хизматга бўлган қизиқиш уни доим олға интилишга ундайди. Бу фидойи инсон билан суҳбатлашган киши унинг ўта камтар ва камсуқум илғай эканлигига тан беради. У ўз касбининг қаттиқ севади, бусиз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Устозлари истеъфодаги старшиналар Раҳмонли Аҳмедов ва Шоқир Ҳақимовларнинг ва ҳозирда ўзи билан бир сафда хизматнинг огиру енгилликларини баҳам кўриб, фаолият юритаётган майор Суннат Абдуқодиров, капитан Фарход Жўраевларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Ўн беш йиллик хизмат тажрибаларига эга бўлган ходимдан шоғирдлар тарбияси ҳақида сўраганимизда камтарлик билан «Ҳали ўзим шоғирдман, устозлар ўғитларига таяниб, ўз устимда ишлаб, изланишданман. Шоғирдлар масаласига ҳали эрта бўлса керак, аммо издошларим кўп, бу ҳақда вақти келиб гапирган маъқул», — дея жавоб берди.

Албатта, ҳар нарсанинг ҳам ўз вақтида бўлгани маъқул. Ҳар бир соҳа ходимларининг хизмати ўз вақтида қадрлини, инсон қадр-қимматининг ҳар нарсадан устун эканлигини инсонларга кўрсатилаётган бу каби эътибордан илғаб олмишига умимкин. Ҳар жаҳоннинг ўз фидойилари бор. Уларнинг хизматлари ҳам вақти келиб бир кун ўз мевасини бериши тайин.

Жамила ЭШОНКУЛОВА, Тошкент шаҳри.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА



чун ҳам ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сезиларли даражада қамайди.

Ҳудуддаги Юлдуз маҳалла аҳоли эса, вилоят миқёсида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида ўтказилган «Энг намунали маҳалла» танловига ғолибликни қўлга киритди.

— Эришган ютуқларимиз замирида ҳудуд осойишталиги учун масъул бўлган профилактика инспекторларининг, посбон ва сардорларнинг ҳам муносиб хисосати бор, — дейди Юлдуз маҳалласи раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Буҳалча Абдуллоева. — Майор Сирожиддин Раҳматов ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноий ҳолатни аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиб, сабабларини ўргангани. Шунингдек, оилавий жанжалкаш ёки спиртли очимликка

руку қўйган фуқаролар билан ҳам суҳбатлар ўтказиб, уларни тўғри йўлга чақиритиб эринмайд.

Ҳудудда барқарор вазиятни таъминлаш мақсадида мунтазам равишда «То-залаш», «Қорадори», «Тун», «Орият» каби кенг қамровли тадбирлар ўтказилиб борилади. Юз борадан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фoш этишда бу каби тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Сирожиддин Раҳматов эса бу жараёнда профилактика инспекторлари майор Файзулла Асадуллоев, Нарзулла Давлатов, капитанлар Нисомиддин Қодиров, Ботир Тойлиёев ва Лазиз Бегмановларга таъйин, улар билан ҳамкорлик қилади, тажрибаларини ўртоқлашди.

Унинг эл осойишталигини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари-га қарши кураш борасидаги хизматлари юксак баҳолашиб, Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Хуршид РЎЗИЕВ, лейтенант. Тошкент вилояти.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Одамларнинг энг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир.

Ҳадис.

Уч неъмат қадрига уч тоифа одам етади: ёшлиқ қадрига — қариялар, саломатлик қадрига — беморлар, хотиржамлик қадрига — ғам-ташвишли кишилар.

Ҳикоят.

Халқ ичида муътабар нарса йўқ давлат каби, Бўлмаган жаҳонда нафас сиҳват каби.

Бадриддин Ҳилолий.

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб, тавба қилишга шошилгин, чунки ажал келса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Замашарий.

Соқол оқи ўлимга пешравдир, Тириклик сабзаси узра қиравдир.

Алишер Навоий.

Одам эрсанг маъни бил дон-дона, Ватан эрур санга иккинчи она. Сўзламасдин олдин сўзингни сина, Ҳар бир сўздур умринг ичинда сина.

Анбар Отин.

Қарор ва ижро



КЕЧИРИМЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХИСЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори кўпбаланд юртдошларимизга қувонч ҳадя этди. Фарғона вилоятида ҳам мазкур қарор талабларини бажариш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликда жазодан озод этилган шахсларнинг оилавий шариотлари ўрганилиб, ижтимоий-маншай масалалари дахлолатлар берилиб, профилактик-оғоҳлантирув ишлари олиб бориляпти.

Амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жазони ижро этиш жойларидан озод этилган, кўмакка муҳтож шахсларга ижтимоий кўника марказлари орқали белгиланган микдорда моддий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этиляпти.

Афв этилганлардан бири Фарғона шаҳрида истиқомат қилаётган Наримон Шоқировдир. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 2-қисмига асосан озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ижро этиш муассасида роппа-росса икки йилу беш ой бўлди. Амнистия туяфайли муддатидан олдин оиласи бағрига кириб келди.

— Мен ишлаган қорхонада ўтказилган тафтиш пайтида анчагина қамомат чиқанди, — дейди у. — У ерда катта жиҳосчи лавозимида ишлаганим учун жавобгарлик зиммалари эди. Вазифани талаб даражасида бажармаганим учун қорхонага иқтисодий зарар етказилганди.

Жазони ижро этиш муассасида юрганлида бир нарса ҳақида кўп ўйлардим: озодликка чиққангидан кейин маҳалладагилар ва таниш-билишларнинг муносабати салбий томонга ўзгарармикан, деб ўйлардим. Йўқ, янглишган эканман. Барчаси яхши кўлиб олишди.

— Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда жазодан озод қилинган фуқароларнинг ижтимоий кўника марказидан белгиланган тартибда моддий ёрдам олишларига ва иш билан таъминланлишларига яқиндан кўмак кўрсатишмоқда, — дейди вилоят ИИБ ХООб инспектори, капитан Фуломжон Мадраҳимов. — Мақсад битта: у ҳам бўлса, озодликка чиққан шахслар яқаланиб қолмасинлар, атофодгиларнинг меҳр-муруватларини ҳис қилсинлар. Бир пайтлар билиб-билмай қонунбузарликка қўл урган бўлсалар-да, энди улар жиноятчи эмас. Чунки Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан афв этилдилар. Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори эса бағрикенг ва кечиримли халқимиз хоширодамсининг ёрқин оидосидир.

Бўрибой ОМОНЗОДА, подполковник. Фарғона вилояти.

Мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ислохотларнинг тўб мақсадини ташкил этади. Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарор ҳам инсонпарварликнинг яна бир юксак намунаси.

ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Наманган вилояти ҳокимлигида ана шу қарорнинг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникаси ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида, самарали тарзда ҳал этиш бўйича вилоят ҳудудий комиссияси аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, ушбу масалага алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда сўз олган вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Раҳмонов, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг биринчи ўринбосари Ф. Яёқўжаев ҳамда мутасадди ташкилотларнинг вакиллари озод этилаётган шахсларга тайёрланган ҳужжатлар ва уларни шаҳар, туман прокурорларига тақдим этиш, амнистия қўллаш лозим бўлганлар билан олиб бориладиган профилактик тадбирлар жараёнида жазони ижро этиш инспекторлари олдига турган вазибалар, озодликка чиққан, суд қарори билан мажбурий тиббий чораларга тортилганларни, ноғиронларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча қафолатлар, мавжуд қвоталанган иш ўринлари, уларни касбга ўқитиш ҳамда йўналтириш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги асосий вазибалар ҳақида атофодлиқ тўхталиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, амнистия тўғрисидаги қарорга кўра жазони ўташ жойларидан озод этилган шахслар жамятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ўрнини топиши, қилган хатодан тегишли ҳулоса чиқариб, тўғри йўлни танлашига шариот яратиш, билим ва кўникасига қараб ишга йўналтириш жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар, ҳуқуқ-тартибот, ўзини ўзи бошқариш органлари ва меҳнат-бандлик бўлимлари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг асосий эътиборидаги масала бўлиши лозим.

Шунингдек, барча алоқадор тизимларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шу орқали олиб борилаётган ишлар самарадорлигига эришиш борасида келишиб олинди.

Фурқат МАМАЖОНОВ, майор. Наманган вилояти.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

САЁҚ ЮРСАНГ...

Ярим тунда Самарқанд шаҳрида икки номаълум шахс М. Фарход ва М. Озодни уриб, бир миллион сўм пулини олиб кетишди. Қўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни Б. Фаррух ва М. Саидаббос содир этгани аниқланиб, қўлга олинди. «Саёқ юрсанг таёқ ейсан» деб шунга айтсалар керак-да.

УЧ ОҒАЙНИ ТАЛОНЧИ

Фарғона вилояти Фурқат туманида яшовчи Д. Матвалиев ўзининг «Москвич» русумли автомашинасини йўл четида тўхтаб турган эди. Шу пайт уч киши уни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, унинг «Пioneer» автомагнитоласи овозқучайтиргичлари ва «Нокия» русумли уяли телефонини тортиб, олиб кетди.

Изувчиларнинг тезкор саъй-ҳаракати натижасида мазкур жиноятни Ўзбекистон туманида яшовчи Н. Баҳриддин, Р. Нодир ва И. Ерқинлар содир этгани аниқланди. Улар тезда қўлга олиндилар. Энди қилмишларига яраша жавоб беришади.



БЕМЕҲР АЁЛЛАР

Нафсининг қўли бўлган киши ҳар қандай қабиҳликдан қайтмас экан. Йўқса икки аёл Навоий шаҳри Халқлар дўстлиги кўчасида 1-синф ўқувчиси О. Шаҳризодадан куч ишлатиш билан қўрқитиб, зирагини ечиб олиб кетмади.

Тезкор тадбирларда ушбу жиноятни мазкур шаҳарда яшовчи М. Хуршида ва унинг қарманлик шериги М. Нигора содир этганлиги аниқланиб, қўлга олиндилар.

Норали ОЧИЛОВ, ИИВ ИХХХ ва ЮТБ Матбуот маркази бoш инспектори, катта лейтенант.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 300 та ёнгин ҳолати қайд этилди. Улар туяфайли етказилган моддий зарар миқдори 12 млн. сўмдан ортқини ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнгинларда уч нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, бир нафари оламдан бевақт ўтди. Ёнгин ўчирувчилар томонидан 235 млн. сўмликдан ортқ қурилмиш моллари, 203 млн. сўмдан зиёд моддий бойликлар қутқариб қолинишга эришилди.

Қашқадарё вилояти Қосон тумани Партичқуқур маҳалласида яшовчи Аҳме-

довлар хонадонига электр сымларнинг қисқа туташуви оқибатида ёнгин содир бўлди. Натижада унинг 240 кв. метр майдондаги томи, шифти, жиҳозлар, шунингдек, ҳовлида турган «Москвич» русумли автомобиль зарар кўрди. Ёнгинни ўз кучи билан ўчиришга ҳаракат қилган уй бекаси 30 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Сурхондарё вилояти Олтинсув туманида истиқомат қилувчи Ё. Шимуродовнинг хонадонига телевизор ёқик ҳолда, назоратсиз қолдирилгани ёнгин чиқишига са-

баб бўлди. Бу эса уйнинг 100 кв. метр майдондаги томи, шифти ва жиҳозлар ёнишига олиб келди.

Фарғоналик Ш. Турсуновнинг бостирмасида турган «Москвич-412» русумли автомобильнинг қулмаганда ўт чиқиб кетди. Ёнгинни ўчириш вақтида уй эгаси 30 фоиз, унинг турмуш ўртоғи эса 75 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Ёнгин сабаби ўрганилганда автомобиль эгаси ёқилги куйиш вақтида ёнгин хавфсизлиги қондасини қўп-равшида бўзиб, сирғат чеккани ойдинлашди.

Юқоридаги каби ҳодисаларнинг аксарияти фуқароларимизнинг ёнгин хавфсизлиги қондасини қўп-равшида бўзишлари, шахсий ёки давлат автомашинаси техник созилигини таъминлаб, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг тавсияларига амал қилишлари талаб этилади.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, майор.

Маърифат дарси

Дунёда касблар, ҳунарлар кўп. Барчасининг мақсади бир. Эл-юртга хизмат қилиш, халқнинг қорига яраш. Бироқ шундай бир касб борки унинг ўзига хос сир-синоати, шарафи ва машаққати бир талай. Агарда шу касбнинг эстаги тугган фидойилар бўлмаса, ҳеч ким ўз касбу кори билан шуғуллана олмади. Соддагина айтганда бўлса, ҳунарманду касблар, ишчи хизматчилар, зиёли ва ўқитувчилар, қўйинги, барчаси ўз ишларини таққа тўхтатадилар. Шунинг учун уларнинг бари турганда-юртанда, ўтиргандаю-ётганда ҳам юртимиз тинч бўлсин, дея дуо қиладилар.



Дуолар ижобат бўлиши учун биргича унинг ўзи камлик қилади. Кимдир хизмат қилмас экан, тинчлик ва осойишталик бўлиши гумон. Шунинг учун ҳар элда ва ҳар ерда миллат, элат бор экан, давлат ва жамият мавжуд экан, у ерда осойишталик посбонларнинг бўлиши нафақат зарур, балки шарт.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг, ролпа-роса элик беш кун ўтган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов яна бир тарихий Қарорга имзо чекди.

Мазкур Қарорга мувофиқ 1991 йилнинг 25 октябрь кунига собик Иттифок ички ишлар вазирлиги таркибидagi Ички ишлар вазирлиги мустақил вазирлиққа, яъни Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигига айлантирилди.

Бироқ олдинда Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳолатидаги тизимларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, ҳодимларнинг билим ва тажрибаларини ошириш, соҳавий йўналишлар бўйича малякали мутахассис-кадрлар тайёрлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги ишларни замон талаблари даражасида ташкил этишдек бир қатор муҳим вазифалар бор эдики, булар мамлакатимиз ва вазирлик раҳбариятидан жуда оғир меҳнат-машаққатни, ўзига хос маблагни, тинимсиз ҳаракат ва шижоатни талаб қилар эди.

Айниқса, куч ва воситалар етарли бўлмаган вақтда, ҳаф-хатар эса керагидан ортиқча бўлган даврда мамлакатнинг нафақат ички тинчлигини, балки ташқи мудофасини ҳам ҳимоя қилиш вазифалари долзарб бўлиб турган бир пайтда мустақиллигимизни кўролмаган кўчларнинг таъйин ва таъовузлирини мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари муваффақиятли бартараф этдилар.

Бу ҳақда бундан уч йил олдин муҳтарам Президентимиз «Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли» деб номланган маърузасида мустақиллигининг оғир кўчларини ҳам бирма-бир есга олиб айтган эдилар.

